

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ РОЛИ

**Тилагов Ортиқбой Абдуевич**

Сирдарё вилояти, Ховос туман 5-мактаб амалиётчи психологи

**Файзуллаева Холида Ахмаджон қизи,**

Гулистон Давлат Университети магистранти.

***АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада умумтаълим мактабларида маънавий баркамол шахсни шакллантириш механизмларида психологик хизматнинг роли масалалари кўрилган.*

***Таянч тушунчалар:** Маънавий зояси юксак, бадиий жозибали, эзгулик, инсонпарварлик, раҳм-шафқатлилиқ, мафкуравий тарбия.*

Мамлакатимизда тарбияни ҳозирги замон талаблари даражасида олиб боришда мавжуд барча имкониятлар ва воситалардан самарали фойдаланганимиздагина маънавияти юксак ёшларни тарбиялашга эришиш мумкин бўлади.

Маънавий-маърифий тарбия олиб боришда муайян маънавий қарашлар тизимини бирдан, бир вақтнинг ўзида ифода этишга интилмаслик лозим. Бундай изоҳ яхши самара бермаслиги мумкин. Шунинг учун ўқувчиларга фикрларни раво ва содда тилда баён этилса, улар масаланинг моҳиятини тез англаб олади.

Умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни амалга оширишда ва ёшларимиз онгига миллий ислоҳат қўяларини сингдиришда педагог ва психологлар фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Маънавий баркамол шахсни шакллантиришда ёшлиқдан халқ, юрт тақдирини учун фидоийлик туйғусини

шакллантириш, эзгулик, инсонпарварлик, раҳм-шафқатлилик руҳида тарбиялашга аҳамият қаратиш зарур. Бунинг учун ўз фарзандларимизни ёшлигидан бошлабқ нарсалар олами билан таништиришнинг миллий анъаналаримизга хос шакллари қўллаш лозим. Бу жараёнда миллий турмуш тарзимизга ёт бўлган «жангари» ўйинчоқлар, мультфильмлар, кинофильмлардан имкон қадар фойдаланмаслик мақсадга мувофиқ бўлади. Балки, шарқона одоб ва башариятнинг эзгу интилишларини акс эттирувчи ўйинлар, ўйинчоқлар, расмли китоблар, миллий эртақлар асосида яратилган мультфильмларни кўришга қизиқтириш улар маънавий-мафкуравий тарбиясида муҳим рол ўйнайди. Улар болаларда яхшиликка муҳаббат, ёмонлик, ёвузликка нисбатан нафрат туйғуларини тарбиялаш, адолат тантанасига ишонч ҳиссини ўйғотиш мумкин.

Шахс маънавиятини шакллантириш ва қарор топтиришда сўз ғоявий таъсир воситаси сифатида намоён бўлади. «Яхши сўз — қиличдан ҳам кучли» деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам ўз ўрнида ишлатилган сўзлар, ёрқин ва дилдан баён этилган нутқ, бамаъни фикр доимо кишиларнинг хулқ-атвориға, маънавиятиға ижобий таъсир кўрсатади. Фикрни эса тингловчининг талаб-эҳтиёжи, орзу-умидлари ва манфаатларига алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда баён этилсагина таъсирчан ва ишончли бўлади. Бу борада мактаб амалиётчи психологи – ёш авлодни катта ҳаётга тўғри йўналтиришда ота-она ва ўқитувчи билан баробар аҳамиятга эга шахс. Мураккаб давр – ўсмирликка қадам кўяётган бола, шахс сифатида шаклланаётган ўсмирнинг ўз оламидаги муаммоларига ечим топиши учун ёрдам беришда мактаб психологининг роли катта.

Ота-она ҳамма нарсани муҳайё қилиши болада ҳеч нарсаға интилмасликни келтириб чиқаради. Барча муаммоларини ота-онаси ҳал қилиб бериши – келажакда унинг ҳаётини ҳам улар бошқаришиға замин яратади. Оқибатда улар келгусида бошқаларнинг хоҳишлари билан яшашға ўрганиб қолиб, қачондир афсусланишади. Шунинг учун мактаб амалиётчи психологлари томонидан ўқувчиларда келажак ҳақида ўйлаш, тўғри қарор қабул қилиш учун имкон ва тушунча беришда ёрдам кўрсатиш керак деган мақсад устувор. Улар ўқувчилар

билан олиб бораётган психологик хизмати давомида амалга ошираётган фаолияти ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак «Сен келажакда нима қилмоқчисан? Ким бўлмоқчисан?» каби саволлар болани ўйлашга мажбур қилади. Бирданига жавоб бермаслиги мумкин, аммо вақт ўтиб бу ҳақда ўйлаб кўради. Уларга ўзи ёқтирган бирор машҳур шахсларни намуна қилиб кўрсатиш ҳам унга мотивация бериши мумкин. Аслида ота-она болага ҳамма нарсани яратиб бермаслиги, у нимагадир интилиши, орзу қилиши учун имкон қолдириши керак дея уқтиради.

Шунингдек ота-она ҳам фарзанди олдида унинг ўқитувчиси ҳақида ҳурмат билан гапириши лозим. Бу билан болада устозига нисбатан ҳурмат пайдо бўлади. Фарзанди маънавияти ва келажаги ҳақида қайғурган ота-она ўқитувчи ва мактаб амалиётчи психологи билан вазмин гаплашиш ва фарзандининг руҳияти ҳақида тушунтириш, унинг синфдаги обрўсини тиклаш, ўзига ишончини орттириш учун маслаҳатлашиш керак бўлади. Бу билан бола ёқтирмаган одамлари билан ҳам муносабат қуриш мумкинлиги, ҳамма нарсага имкон топиш мумкинлигини англайди.

Хулоса қилиб айтганда, маънавий баркамол шахсни шакллантириш механизмларида таълим-тарбия муассаса-ларининг, психологик хизматнинг роли ниҳоятда катта. Улар маънавий тарбиянинг асосий учоқларидир. Уларнинг барчасида амалга ошириладиган маънавий тарбия жараёнида, мафкуравий, маънавий-маърифий таълим берувчи ижтимоий кўргазмали қуроллар билан қуроллантириш мақсадга мувофиқ. Шундагина шахс маънавиятини шакллантириш борасида қўйган мақсадга эришамиз.

### ***Адабиётлар:***

- 1. Ёшларни миллий истиқлол гоёси руҳида тарбиялаш – Ватан тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили- Республика илмий-амалий анжуман материаллари, Т., 2004 й.*
- 2. Ортиқов Н. Ёш авлодни муқаддас гоёлар руҳида тарбиялаш бўйича тавсиялар. – Т., 1995 й.*
- 3. Отамуратов С ва бошқалар. Маънавият асослари. – Т., 2002 й.*